

Мусулмонларни ёввойи деган европаликлар меҳмондўстлик ва инсопарварлик дарсини олдилар



14:50 / 12.07.2019 4492

Жан-Анри-Абдолоним Убичини (1818-1884) – машҳур француз давлат арбоби, тарихчи, журналист ва Руминия академиясининг фахрий аъзоси. Узоқ вақт Туркияда яшаб, 1851 йилда “La Turquie Actuelle - Бугунги Туркия” номли асар ёзади. Ушбу асарида Ислом дини ҳақида ўзининг фикрларини шундай ифодалайди:

«Ислом одамларга меҳр-шафқат ва идрокни буюради. Европанинг динсиз деб бағридан чиқариб юборилган бахтсиз одамлари, подшоҳнинг меҳмони бўлдилар. Ва мусулмон турк диёрида ватанларида маҳрум бўлган ҳуррият ва амният ичида яшамоқдалар. Барча дин вакиллари бу ерда худди

шундай адолат ва шафқатни кўрмоқдалар. Туркларни ва мусулмонларни ёввойи деган европаликлар бу ерда меҳмондўстлик ва инсопарварлик дарсини олдилар».

XVI асрда яшаган бир европалик ёзувчи шундай деган эди: “Мен мусулмонлар яшайдиган диёрларни кезиб чиқдим. Ёввойи деган мусулмонларнинг диёрларида на бирорта зўравонлик ёки жиноят кўрдим. Ҳамминг ҳақ-ҳуқуқи ҳурмат қилинади. Камбағал, бечораларга ёрдам берилади. Катта-кичик, насроний, яҳудий ёки мусулмон, ҳатто динсиз бўлса ҳам худди шу адолат ва ҳурматга сазовор бўлмоқдалар. Мен ҳам шу фикрларга қўшиламан».

Жан-Анри-Абдолоним Убичини (1818-1884),

“La Turquie Actuelle Бугунги Туркия”